O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI “O‘ZARXIV” AGENTLIGINING
BUYRUG‘I

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 16 июндаги “Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиқлигини таъминлаш, шунингдек, жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6247-сон Фармони ижроси ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 16 июндаги “Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиқлигини таъминлаш, шунингдек, жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6247-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида, **буюраман**:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 16 июндаги “Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиқлигини таъминлаш, шунингдек, жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6247-сон Фармони **маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.**

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 16 июндаги “Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиқлигини таъминлаш, шунингдек, жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6247-сон Фармони билан белгиланган вазифаларни амалга ошириш тармоқ жадвали 1-иловага, Ўзбекистон Республикаси “Ўзархив” агентлиги (кейинги ўринларда-Агентлик) томонидан **Очиқ маълумотлар сифатида жойлаштирилиши керак бўлган ижтимоий аҳамиятга молик маълумотлар рўйхати** 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Агентлик Ахборот хизмати раҳбари, директорнинг ахборот сиёсати масалалари бўйича маслаҳатчиси (А.Алиев), бўлим бошлиқлари (Н.Анаркулова, А.Турапов), бош бухгалтери (Ф.Суюнов):

**а) ҳар йили:**

**1 мартга қадар** Агентлик фаолиятига оид ҳисоботни (давлат сирлари ва хизматда фойдаланиш учун мўлжалланган маълумотлар бундан мустасно) Агентлик расмий веб-сайтига жойлаштириб, 10 мартга қадар уни кенг жамоатчилик иштирокида муҳокама қилиш жойи ва вақти ҳақида хабар берсин;

**1 апрелга қадар** Агентлик фаолиятига оид ҳисоботни кенг жамоатчилик иштирокида муҳокама қилиш учун матбуот анжумани ташкил этсин;

**б) 2021 йил 1 июлдан бошлаб** қуйидаги маълумотларни Ўзбекистон Республикасининг Очиқ маълумотлар порталига ва Агентликнинг расмий веб-сайтига жойлаштириб, уларни ҳар чоракда янгилаб борсин:

амалга оширилган давлат харидлари, шу жумладан тўғридан-тўғри шартномалар бўйича харид қилинадиган товарлар (хизматлар);

мансабдор шахсларнинг хизмат сафарлари ва хориждан ташриф буюрган меҳмонларни кутиб олиш ҳаражатлари (хизмат сафарининг ёки ташрифнинг мақсади, суткалик пул, транспорт ва яшаш билан боғлиқ харажатлар, бунда давлат сири ва хизматда фойдаланиш учун мўлжалланган маълумотлар мустасно);

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси ҳужжатлари билан солиқ ва божхона имтиёзлари ҳамда преференциялар, шу жумладан индивидуал имтиёзлар берилган субъектларнинг бенефициарлари (якуний манфаатдор жисмоний шахслари), улар томонидан тўланган солиқлар ва молиявий кўрсаткичлар;

Агентлик йиллик ҳаражатлар сметаси ва унинг ижроси, шу жумладан объектларни қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш ишлари, автомототранспорт воситаларини сотиб олиш харажатлари;

**в) 2021 йил 1 июлдан бошлаб** Агентлик ҳузурида фаолият юритувчи жамоатчилик кенгаши билан биргаликда Агентлик веб-сайтида қуйидаги маълумотларни жойлаштириб, уларнинг ҳар чоракда янгиланиб борилишини таъминласинлар:

жамоатчилик кенгашининг тасдиқланган аъзолари хақидаги маълумотлар билан бир қаторда уларнинг алоқа маълумотлари (телефон, почта ва электрон манзиллари);

жамоатчилик кенгашининг йиғилишлари ва кун тартибидаги масалалар;

давлат харидларини амалга оширувчи комиссиянинг тасдиқланган аъзолари тўғрисида маълумотлар (фамилияси, исми ва отасининг исми, иш жойи ва эгаллаб турган лавозими).

4. Агентлик бўлим бошлиғи (Ш.Хожибоев) **2021 йил 1 июлдан бошлаб** давлат сири бўлган маълумотларнинг ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирнинг муҳофаза қилинишини таъминлаган ҳолда ўтказилган ҳар бир тафтиш ва текширув (назорат объекти номи, тафтиш ёки текширувнинг мақсади ва муддатлари, уни ўтказган давлат хизматчисининг лавозими, фамилияси, исми) тўғрисидаги маълумотларни (Агентлик директорини хабардор этгандан сўнг) Очиқ маълумотлар порталига жойлаштириш ва уларни ҳар чоракда янгилаб бориш чораларини кўрсин.

5. Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиқлиги тўғрисидаги қонунчилик ижросини таъминлаш мақсадида Агентлик Ахборот хизмати томонидан сўралган ҳар қандай зарур маълумот белгиланган муддатдан кечиктирмасдан Агентликнинг барча ходимлари томонидан тақдим этилиши шартлиги белгилаб қўйилсин.

6. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар архив иши ҳудудий бошқармалари бошлиқлари, Ўзбекистон миллий архивлари директорлари 3 кун муддатда ушбу Фармонни Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси www.lex.uz сайтидан кўчириб олинишини ҳамда ўзлари раҳбарлик қилаётган ташкилотда меҳнат фаолиятини амалга ошираётган барча ходимлар ўртасида унинг моҳияти ва аҳамиятини тушунтирилишини таъминласинлар.

7. Ушбу буйруқ бажарилиши юзасидан назоратни ўз зиммамда қолдираман.

**Директор** **У.Юсупов**

Тошкент ш
2021 йил 21 июнь
231 -сон

“Ўзархив” агентлигининг
2021 йил 21 июндаги 231-сон буйруғига
1-илова

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 16 июндаги “Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиқлигини таъминлаш, шунингдек, жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6247-сон Фармони билан белгиланган вазифаларни амалга ошириш**

**ТАРМОҚ ЖАДВАЛИ**

| Т/р | Чора-тадбир номи | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Масъул ижрочилар | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | Агентлик тизимидаги ташкилотлардан | Агентлик марказий аппаратидан |
| 1. | Агентлик фаолиятига оид ҳисоботни (давлат сирлари ва хизматда фойдаланиш учун мўлжалланган маълумотлар бундан мустасно) Агентлик расмий веб-сайтига жойлаштириб, уни кенг жамоатчилик иштирокида муҳокама қилиш жойи ва вақти ҳақида хабар бериш. | 1. Агентлик фаолиятига оид ҳисоботни (давлат сирлари ва хизматда фойдаланиш учун мўлжалланган маълумотлар бундан мустасно) Агентлик расмий веб-сайтига жойлаштириш.<br>2. Ҳисоботни кенг жамоатчилик иштирокида муҳокама қилиш жойи ва вақти ҳақида Агентлик расмий веб-сайти ва (ёки) ижтимоий тармоқлардаги расмий саҳифаларида эълон жойлаштириш. | ҳар йили<br>1 март<br><br>10 март | Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар архив иши ҳудудий бошқармалари бошлиқлари, Ўзбекистон миллий архивлари директорлари | А.Алиев,<br>А.Турапов |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 2. | Агентлик фаолиятига оид ҳисоботни кенг жамоатчилик иштирокида муҳокама қилиш учун матбуот анжумани ташкил этиш. | 1. Матбуот анжумани материаллари, жумладан Пресс-релизларни тайёрлаш.<br>2. Матбуот анжумани ўтказиладиган жойни белгилаш (зарур ҳолларда шртномалар тузиш)<br>3. ОАВларга таклиф хатларини тайёрлаш ва юбориш.<br>4. Матбуот анжуманини юқори савияда ўтказиш. | ҳар йили<br>1 апрелга қадар | Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар архив иши ҳудудий бошқармалари бошлиқлари, Ўзбекистон миллий архивлари директорлари | А.Алиев |
| 3. | Қуйидаги маълумотларни Ўзбекистон Республикасининг Очиқ маълумотлар порталига ва Агентликнинг расмий веб-сайтига жойлаштириб, уларни ҳар чоракда янгилаб бориш:<br>амалга оширилган давлат харидлари, шу жумладан тўғридан-тўғри шартномалар бўйича харид қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар);<br>мансабдор шахсларнинг хизмат сафарлари ва хориждан ташриф буюрган меҳмонларни кутиб олиш харажатлари (хизмат | Маълумотларни Очиқ маълумотлар портали, Агентлик расмий веб-сайтига жойлаштириб бориш. | ҳар чоракда | - | Ф.Суюнов,<br>А.Алиев,<br>А.Турапов |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | сафарининг ёки ташрифнинг мақсади, суткалик пул, транспорт ва яшаш билан боғлиқ ҳаражатлар, бундан давлат сири ва хизматда фойдаланиш учун мўлжалланган маълумотлар мустасно);<br>Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси ҳужжатлари билан солиқ ва божхона имтиёзлари ҳамда преференциялар, шу жумладан индивидуал имтиёзлар берилган субъектларнинг бенефициарлари (якуний матффатдор жисмоний шахслари), улар томонидан тўланган солиқлар ва молиявий кўрсаткичлар;<br>Агентлик йиллик ҳаражатлар сметаси ва унинг ижроси, шу жумладан объектларни қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш ишлари, автомототранспорт воситаларини сотиб олиш харажатлари. | | | | |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 4. | Агентлик ҳузурида фаолият юритувчи жамоатчилик кенгаши билан биргаликда Агентлик веб-сайтида қуйидаги маълумотларни жойлаштириб, уларни ҳар чоракда янгиланиб бориш:<br>жамоатчилик кенгашининг тасдиқланган аъзолари хақидаги маълумотлар билан бир қаторда уларнинг алоқа маълумотлари (телефон, почта ва электрон манзиллари);<br>жамоатчилик кенгашининг йиғилишлари ва кун тартибидаги масалалар;<br>давлат харидларини амалга оширувчи комиссиянинг тасдиқланган аъзолари тўғрисида маълумотлар (фамилияси, исми ва отасининг исми, иш жойи ва эгаллаб турган лавозими). | Агентлик расмий веб-сайтига жойлаштириб бориш | ҳар чоракда | | Ш.Турсунбаев,<br>А.Алиев,<br>А.Турапов |
| 5. | Давлат сири бўлган маълумотларнинг ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирнинг мухофаза қилинишини таъминлаган ҳолда ўтказилган ўтказилган ҳар бир тафтиш ва текширув | Маълумотларни Очиқ маълумотлар портали, Агентлик расмий веб-сайтига жойлаштириб бориш. | ҳар чоракда | - | Ш.Ҳожибоев,<br>А.Алиев,<br>А.Турапов |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | (назорат объекти номи, тафтиш ёки текширувнинг мақсади ва муддатлари, уни ўтказган давлат хизматчисининг лавозими, фамилияи, исми) тўғрисидаги маълумотларни (Агентлик директорини хабардор этгандан сўнг) Очиқ маълумотлар порталига жойлаштириш ва уларни ҳар чоракда янгилаб бориш | | | | |

“Ўзархив” агентлигининг
2021 йил 21 июндаги 231 -сон буйруғига
2-илова

**“Ўзархив” агентлиги томонидан Очиқ маълумотлар сифатида жойлаштирилиши керак бўлган ижтимоий аҳамиятга молик маълумотлар рўйхати**

| т/р | Ахборотнинг тури, тоифалар номланиши (параметрлар) | Маълумот жойлаштирилган ресурс | Тақдим этиш ва янгилаш муддати | Жойлаштириш учун масъуллар |
|---|---|---|---|---|
| 1. | Агентлик фаолиятиги оид ҳисобот (давлат сирлари ва хизматда фойдаланиш учун мўлжалланган маълумотлар бундан мустасно) | Агентлик расмий веб-сайти | ҳар йили 1-мартга қадар | А.Алиев, А.Турапов, Н.Анаркулова |
| 2. | Давлат харидлари тўғрисидаги маълумотлар, шу жумладан тўғридан-тўғри шартномалар бўйича харид қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар) | Очиқ маълумотлар портали, Агентлик расмий веб-сайти | ҳар чоракда | Ф.Суюнов, А.Турапов |
| 3. | Мансабдор шахсларнинг хизмат сафарлари ва хориждан ташриф буюрган меҳмонларни кутиб олиш харажатлари (хизмат сафарининг ёки ташрифнинг мақсади, суткалик пул, транспорт ва яшаш билан боғлиқ ҳаражатлар, бундан давлат сири ва хизматда фойдаланиш учун мўлжалланган маълумотлар мустасно) | Очиқ маълумотлар портали, Агентлик расмий веб-сайти | ҳар чоракда | Ф.Суюнов, А.Турапов |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| 4. | Давлат бюджети, бюджетдан ташқари жамғарма ҳисобига харид қилиниши режалаштирилган товарлар (ишлар, хизматлар) тўғрисидаги маълумотлар (харид қилинишидан камида 6 ой олдин). | Агентлик расмий веб-сайти | доимий равишда | Ф.Суюнов, А.Турапов |
| 5. | Давлат харидлари ва инвестиция лойиҳалари доирасида ҳамда рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни бериш бўйича ташкил этиладиган харид комиссияларининг таркиби тўғрисидаги маълумотлар,<br>шу жумладан:<br>харид комиссияси таркибини тасдиқлаш хақидаги қарор;<br>харид комиссияси аъзоларининг маълумотлари (фамилияси, исми ва отасининг исми, иш жойи ва эгаллаб турган лавозими) | Агентлик расмий веб-сайти | доимий равишда | Ф.Суюнов, А.Турапов |
| 6. | Давлат сири бўлган маълумотларнинг ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирнинг мухофаза қилинишини таъминлаган ҳолда ўтказилган ўтказилган ҳар бир тафтиш ва текширув (назорат объекти номи, тафтиш ёки текширувнинг мақсади | Очиқ маълумотлар портали | ҳар чоракда | Ш.Хожибоев, А.Алиев, А.Турапов |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | ва муддатлари, уни ўтказган давлат хизматчисининг лавозими, фамилияи, исми) тўғрисидаги маълумотлар. | | | |
| 7. | “Ўзархив” агентлиги тасарруфидаги хизмат автотранспорт воситалари, хизмат уйлари ва бошқа кўчмас мулклар тўғрисидаги маълумотлар | Очиқ маълумотлар портали, Агентлик расмий веб-сайти | ҳар чоракда | Ф.Суюнов, А.Турапов |
| 8. | Агентлик ҳузурида фаолият юритувчи жамоатчилик кенгаши тўғрисида маълумотлар,<br>шу жумладан:<br>жамоатчилик кенгашининг тасдиқланган аъзолари хақидаги маълумотлар билан бир қаторда уларнинг алоқа маълумотлари (телефон, почта ва электрон манзиллари);<br>жамоатчилик кенгашининг йиғилишлари ва кун тартибидаги масалалар | Агентлик расмий веб-сайти | ҳар чоракда | А.Алиев, Ш.Турсунбаев, А.Турапов |
| 9. | “Ўзархив” агентлигининг тасдиқланган ярим йиллик ва (ёки) йиллик иш режалари (давлат сирлари ва хизматда фойдаланиш учун мўлжалланган маълумотлар бундан мустасно) | Агентлик расмий веб-сайти | ҳар чоракда | А.Алиев, А.Турапов |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| 10. | “Ўзархив” агентлигига доимий фойдаланиш учун берилган ер майдонлари ва бошқа мол-мулкларни давлат-хусусий шериклик асосида олган юридик ва жисмоний шахслар тўғрисидаги маълумотлар. | Агентлик расмий веб-сайти | ҳар чоракда | А.Алиев,<br>А.Турапов |